ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

Meros

№ 1/2023

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида 3
Абдухалимов Б. Формуляры записей о разделе наследства из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 16
Каримов Ш. Хондамирнинг “Дастур ал-вузаро” асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида 27
Файзуллаев Ф. Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар 36

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Раджабова Д. Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар) 49
Пуговкина О. Правовой статус «бывших людей» в советских конституциях ТАССР – УзССР (1918-1937 гг.) 61
Тошев С. Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши..... 74

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Исматова Н. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари 84

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Миркомилов Э. Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари 99

Разаков Ф. Англо-турецкое сотрудничество по противодействию экспансии России в Кокандском ханстве и в Восточном Туркестане (1860–1878гг.) 109

ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

Таниева Г. XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири 128

Разакова М. Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи 137

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н. Сведения “Мин шилу” о торгово-посольских связях Китая и государств Центральной Азии в XIV–XV вв. 146

Алимова Л. Трансформация семейных отношений в Южнокорейском обществе в конце XX века 158

Акрамова Ш. Межгосударственное сотрудничество Республики Узбекистан и КНР 168

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 2 июндаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

20.09.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

Э. Миркомилов

Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари

Амир Темур (1336–1405) ва Темурийлар давлати Рум (Кичик Осиё), Миср, Ҳиндистон, Хитой мамлакатлари орасида дипломатик алоқаларни яхши йўлга қўйган эди. Турли бирламчи манбаларда Темурий ҳукмдорлар саройларидан хориж давлатларига элчилик хизмати билан бориб, вазифасини муваффақиятли адо этган етук дипломатлар ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди [6: 91]. Шоҳрух Мирзо (1397–1447, ҳукмронлик йиллари 1407–1447) даврида Ҳирот, Самарқанддан анча узоқда жойлашган давлатларга ҳам элчилар юбориб турилган. Улардан бири Миср давлати эди. Шоҳрух Мирзо даврида ҳижрий 840 йили/1439–40 Миср давлати подшоҳи Малик Ашраф (1422–1438) вафот этади ва тахтга мамлуклар сулоласидан Малик аз-Зоҳир лақаби билан танилган Малик Чақмоқ (1438–1453) чиқади. У амирларидан бири Жижикбуқони кўп сонли кишилар билан Хуросонга элчиликка юборади. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий (1413–1482) “Матлаи саъдайн мажмаи баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”) асарида келтиришича, элчилар Шоҳрух Мирзо ҳузурида иззат-ҳурмат билан кутиб олинади [1: 87]. Улар ўз ҳукмдорлари илтимосига кўра, Абу Мансур Мотуридийнинг (870–945) “Таъвилоти аҳли сунна” (“Аҳли сунна ва-л-жамоа тафсири”), Имом Фахруддиннинг (1148–1209) “Тафсири кабир” («Катта тафсир»), Хожа Масъуд Бухорийнинг “Шарҳи Талхиси Жоме” (“Жоме хулосасининг шарҳи”), Алоуддин Паҳлавоннинг “Шарҳи Кашшоф” (“Кашшоф шарҳи”) асарларини юборишини илтимос қиладилар. Абдураззоқ Самарқандий фақат тўртта китоб номини

келтирган. Мирхонд (1433–1498) эса, “Равзат ас-сафо” (“Жаннат боғи”) асарида “Шарҳи равза дар мазҳаби Шофеъий”ни ҳам қўшиб зикр этган, аммо асар муаллифини кўрсатмаган [3: 5439].

Шоҳрух Мирзо илтимосни қабул қилади ва моҳир хаттотларга сўралган асарлардан нусха кўчиртириб, чиройли муқовалар тайёрлатади. Элчилар қайтар чоғида Ҳисомуддин Муборакшоҳ Парвоначи ва унинг ўғлини ўз элчиси сифатида уларга қўшиб жўнатади. Улар Миср подшоҳига аталган қимматбаҳо ҳадялар билан йўлга тушадилар. Шоҳона туҳфалар орасида сўралган ўша бешта китоб ҳам бор эди [1: 88]. Ҳисомуддин Муборакшоҳ Қуддусдаги Ғазо шаҳрига етганда тўсатдан йўлда вафот этади. Совғаларни унинг ўғли Мисрга етказади [1: 104]. Мазкур асарлар шоҳона безатилган ва чиройли хатда ёзилган, балки ҳозирги кунгача сақланиб қолган бўлиши мумкин. Уларни топиш ва тадқиқотлар олиб бориш олимлар олдидаги вазифалардан биридир.

Темурийлар даврининг яна бир тарихчиси Фасиҳ Хавофий (1375–1442) “Мужмали Фасиҳий” (Фасиҳ тўплами) асарида ушбу элчилик воқеасини батафсил баён қилмаса-да, Ҳисомуддин Муборакшоҳ ҳижрий 843 йил ражаб ойининг ўн саккизи /1439 йил 23 декабрь куни Миср сафарига отлангани [4: 300], йўлда ҳижрий 844 йил рабиъ ас-соний ойининг ўн тўртинчисида (1440 йил 12 сентябр) Қуддусга қарашли Ғазо қишлоғида вафот этгани ҳақида хабар беради [4: 303].

Тарихдан маълумки, Миср ҳукмдорлари муайян муддат Байтуллоҳ учун каъбапўш юборган. Шоҳрух Мирзо ҳижрий 847 йили (1443–44) Миср султонига Саййид Шамсуддин Муҳаммад Замжийни элчи қилиб юборади ва у орқали Байтуллоҳга каъбапўш ёпиш истагини билдиради. Бу иш Миср султонлари рухсатисиз амалга ошмасди. Султон Чақмоқ бу илтимосни рағбатлантиради [1: 132–134].

Сўрагани қабул бўлгач, Мирзо Шоҳрух ҳижрий 848 йили (1444–45) шайх Нуриддин Муҳаммад ал-Муршидий ва мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Абҳарийни Мисрга элчиликка тайинлайди. Улар зарурий нарсаларни саранжомлаб йўлга чиқади. Тез кунда Мисрга етиб бориб, Султон Чақмоқ номига битилган хатни топширадилар. Султон уларни яхши кутиб олиб, Ҳижоз сафари учун керакли нарсаларни тартибга келтириб, элчилар билан ўз хабарчиларини қўшиб Макка ва Мадина ҳокимларига жўнатади.

Элчилар Мирзо Шоҳрух юборган каъбапўш Каъбага ёпадилар ва шу билан унинг орзуси ушалади [1: 166–168]. Мазкур воқеа ҳам Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари юксак даражада бўлганини кўрсатади [2: 131–132].

Ҳижрий 850 йили (1446–47) Шоҳрух Мирзо Миср султони Малик Чақмоқбекга хат йўллайди. Унда Макка ва Мадинага Мирзо Шоҳрух томонидан юборилаётган вақф мулклари етиб бормаётгани, Миср султони ушбу шаҳарлар аҳлидан бирор солиҳ кишини тайин қилса ва у ҳар йили келиб, мазкур вақфдан унган маблағни олиб кетиши сўралади.

Мирзо Шоҳрух кейинги гал Абдураззоқ Самарқандийни Миср султони ҳузурига элчиликка тайинлайди. У Шоҳрух номидан ёзилган мактуб ва совғаларни тайёрлашга киришади. Аммо Шоҳрух Мирзо 850 йили зул-ҳижжада (1447 йил февраль-март) Райда вафот этади. Амир Темур вафотидан кейин бўлгани каби бу сафар ҳам Темурий шаҳзодалар орасида тахт учун кураш бошланади. Мисрга бориш учун тайинланган элчи юборилмай қолади [1: 194–197].

Маълумки, соҳибқирон Амир Темур Мовароуннаҳрдан узоқдаги ўлкаларда ҳам йирик бунёдкорлик ишларини олиб борган. Темурий ҳукмдорлар, шаҳзода ва маликалар билан бир қаторда вазирлару амирлар ҳам бу анъанани давом эттирган. Баъзи йирик давлат арбоблари Темурийларга тобе бўлмаган ўлкаларда ҳам ободончилик ишларини амалга оширгани диққатга сазовордир. Шу жиҳатдан бизни амир Алоуддин Алика кўкалдошнинг фаолияти қизиқтириб қолди ва ўша даврда яратилган Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн”, Фасиҳ Ҳавофийнинг “Мужмали фасиҳий” ва Хондамирнинг “Равзат ас-сафо” каби асарлардан у ҳақда маълумотлар изладик.

Абдураззоқ Самарқандий амир Алоуддин Алика вафоти ҳақида: “Амирнинг умри тўқсон ёшдан ўтган. ... Вафоти ҳижрий 844 йили жумод ал-аввалнинг ўн еттинчи кунида (1440 йил 14 октябрь) содир бўлган” – деб маълумот беради [1: 101]. Бу маълумотдан мазкур амирнинг, тахминан, ҳижрий 754 йил (1353) атрофида туғилганини тушуниш мумкин. Фасиҳ Хавофий ҳам унинг вафоти шу санада ҳафтанинг жума кунида содир бўлганини зикр этади [4: 302].

Амир Алоуддин Алика кўкалдош Амир Темур, Мирзо Шоҳрух, Мирзо Улуғбек (1394–1449) ҳукмронлиги даврларида яшаган ва

сиёсий ҳаётда фаол иштирок этган. Шоҳрух Мирзо унга бир неча марта ободонлаштириш ишларини топширган. У Ҳиротда Ҳиёбон бошида бир мадраса ҳам қурдирган. Абдураззоқ Самарқандий: “У Ҳиёбон бошида қурдирган мадрасаси гумбази остига дафн қилинган”, – деб ёзади [1: 101].

Амир Алика Кўкалдош яна экинзорлар барпо қилиш, унумли ерлар сотиб олиб обод қилиш ишлари билан ҳам шуғулланган. Ҳатто Миср мамлакатидан экин экиладиган ва унумли ерлар сотиб олиб, у ерларга вакиллар ҳам саркорлар тайин қилиб, у мавзеларни обод экинзорларга айлантирган.

Абдураззоқ Самарқандий Мисрдан ерлар сотиб олганлиги сабаблари ҳақида қуйидагича маълумот беради. “Бир куни ҳазрат хоқони саид (Шоҳрух Мирзо) ундан Миср вилоятидан ер сотиб олганлиги сабабини сўради, амир Алика саволга жавоб бериб: “Мен ўлганимдан кейин одамлар: Мирзо Шоҳрухнинг бир ғуломи бор эди, у Миср вилоятида мулклар сотиб олиб, обод қилган эди”, деб эсламоқларини истайман”, – деди [1: 101]. Лекин ҳозирча манбалардан бу жойлар номлари аниқланмаган.

Темурийлар давлати ва Миср ўртасида мустаҳкам дипломатик алоқаларни ўрнатиш ишлари ҳар доим ҳам осон кечавермаган. Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига кўра, бир гал Шоҳрух Мирзо элчиларига мисрликлар ҳужум уюштириб, молларини талон қилишади. Лекин Миср султони элчиларни ҳимояга олиб, уларнинг буюмлари ўзларига қайтартиради.

Муаррих Миср элчиларининг Ҳиротга келиши воқеаларига батафсил тўхталади:

Саккиз юз қирқ учинчи (1439–40) йил воқеалари

Миср элчиси Жижикбуқонинг келганлиги зикри

Улуғлик ва муқаддаслиги ортгур мулк бахш этувчи Тангри таоло ҳазрат хоқони саидга кенг мамлакат иноят қилди. Чиндан Рум ва Миср ниҳоятигача, Туркистоннинг йироқ ерларидан Ҳиндустоннинг поёнигача бўлган мамлакатлар онҳазратнинг қудрат қўлида бағоят маъмур ва итоаткор эди. У шаҳар ва диёрларнинг барчасида бирор кишининг ҳам хотирида ҳазрат хоқони саиднинг фармонига хилоф иш тутишдан асар кўринмас, ер юзининг саркашлари олампаноҳ даргоҳига

ўз илтижоларини йўллаб, бож тўловчию фармонни бажарувчи эдилар. Хайрихоҳлик ҳам бўйсунишлик юзасидан элчилар ва мактубларни восита қилиб, муносиб совға-саломлар юбориб турар эдилар.

Миср султони ал-Малик аз-Зоҳир Чақмоқбек Жижикбуқо номли элчини юборди ва у жумад ал-охирнинг еттинчисида (1439 йил 15 ноябрь) доруссалтана Ҳиротга етиб келди. Муносиб совға-саломлару туҳфаларни арзга етказди. Бу ҳолнинг шарҳи кенгроқ тарзда сўзлашга муҳтождир. Бунинг баёни шундай: Ҳазрат соҳибқирон давлати пайдо бўлишининг бошланиш вақтларидан, балки жаҳонкушой подшоҳ Чингизхон истилосининг бошланишидан ва фарзандлари давридан шу вақтгача Миср ва Шомнинг султонлари ҳамиша қайсарлик, ўзбошимчалик, саркашлик ва истибдод мақомида туриб келдилар. Бу тараф подшоҳларига иродат ва эътимодлари билан ҳаргиз яқинлик кўрсатмадилар. Тарих китобларида бу аҳвол ҳақида сўзланади ва бу даъвонинг тўғрилигидан чин гувоҳлик берилади. Энди Султон Чақмоқ муҳаббат, дўстлик ва эътиқод билдириб элчи юборди.

Айтишларича, у султонликка тайинланишидан олдин бир кеча туш кўрган, тушида ҳазрат хоқони саид унинг белидан ушлаб кўтариб, Миср салтанати тахтига ўтқазган эмиш. Султон Чақмоқ қувонч ва шодмонликнинг зўрлигидан уйқудан уйғонган. Мисра:

Уйқу даражалари қандай яхши,
Уйғоқликдан афзалдир!

У камоли севинч ва ғоят хурсандлигидан тонгги шаббода нафасидан очилган гул янглиғ табассум қилди ва ўз-ўзига деди. Байт:

Менинг уйғоқ бахтим Шоҳрухнинг тарбиятидан
Қоронғу кечаларда тилаган кунига етишади.

деди ва дилидаги бутун ҳимматини Миср мамлакати салтанатига қўйди. Аммо даҳану лабини бу сўзни айтиб қўйишдан ғунча мисол буткул юмди. У хотирида “қачон салтанат тахтида қарор топсам, онҳазратга нисбатан ғоятда мувофиқатчилик ва дўстлик бажо келтираман”, – деб қарор берди.

Миср вилоятининг подшоҳи Малик Ашраф жаҳон билан видолашган вақтда Чақмоқбек катта мирохўр эди. Илоҳий тақдир ва осмоний қўллаб-қўлтиқлаш унга кўмакдош бўлди. Миср ва Шомнинг

улуғлари ҳам хосу омнинг барчаси унга бўйсуниб, барча ишлар ихтиёри ва бутун маслаҳатлар тизгини унинг қудрат панжасида қарор топди. Минбарлар тепаси ва динорлар юзи унинг ном ва лақаблари билан безанди. Унга ал-Малик аз-Зоҳир лақаби берилди. Мулк ва давлат муҳри тамкин бармоғи, салтанат маржони тартиби унинг зеб-зийнати билан оройиш топди. Андак вақт ичида у кенг мамлакат итоаткор ва мустаҳкам бўлди. Мағнотис темирни тортишга бўлган иштиёқидан воз кечди ва каҳрабо сомонни ўз тасарруфида сақлаш қўлини орқага тортди.

Малик Чақмоқ энди кўрган тушини хотирига келтириб, элчи юбориш истаги унинг замиридан бош кўтарди. Амирлар, давлат арконлари ва мамлакат улуғлари билан машварат тузган эди, кўпчилик моне бўлди. Аммо у элчи юборишга жазм қилиб қўйганлиги учун эътибор аҳлининг инкор қилишлари фойда бермади. Танлаш қуръаси унинг хос кишилари орасида эътибори кўплиги билан шуҳрат топган амир Жижикбуқо номига тушди. Сўнг у подшоҳона совға-саломлар ва хусравона туҳфаларни ҳозирлаб, Жижикбуқони кўп ададли бир тўда билан Хуросон томон йўллади.

Жижикбуқо Хуросон мамлакатига кириб келгач, унинг келиши ҳумоюн мизожга ёқиб тушди. У амир Ҳабибуллоҳ сулдуз номли ўз яқинларидан бирини кутиб олиш учун йўлга чиқарди ҳамда элчиларга ҳар бир вилоятда хизмат қилиш шарт-шароитларини бажо келтирсинлар, деб фармон берди. Жижикбуқо доруссалтана Ҳиротга етиб келгач, уни Боғи амир Шоҳмаликга туширдилар. Улуғ амирлар ва номдор муқарриблар уни кўришга бордилар ва қадамларига қутловлар сўзладилар. Уч кундан сўнг элчи фалак ҳашаматли даргоҳга келиб, улуғ амирлар воситаси билан файзли бармоқларни ўпиш саодатидан мағрур ва сарафроз бўлди ҳамда ҳадя ва пешкашларни арзга етказиб қабул шарафига етишди. Онҳазрат Миср султони ал-Малик аз-Зоҳир Чақмоқбекнинг ҳол-аҳволидан сўради ва муҳаббат, якдиллик, дўстлик ҳам бирликни изҳор қилди. Элчини ўнг қўл тарафига улуғ жўчинлар жарғасидан ўтирғиздилар. Ўша куни шундай бир тўй ташкил қилгандилар, унга қараш ва томоша қилишдан осмон хонсолорлари зўр таажжубда эдилар. Хонтахталар ва косалар ҳаммаси тилла югуртиб безатилган, кумуш ва тилладан ишланган катта-катта табақ ва косалар саноқ ва ҳисобга келмайди, таомлар ва ошлар сифати

таҳрир қалами ва тақрир рақами билан таъриф-тавсиф қилишдан ортиқ эди. Онҳазрат ҳумоюн ҳузуридан элчи олдига бир неча бор улуш ва бахшиш юбортирди.

Таом мажлисидан фориғ бўлгандан сўнг элчи тўла эъзоз-икромлар билан ўз висоқига қайтди. У ҳафтада икки марта боргоҳга шийлон учун келиб, иноят назарига манзур бўлиб турди. Подшоҳзодалар – Мирзо Муҳаммад Жўкий баҳодир, Мирзо Алоуддавла ва Мирзо Абдуллатифлар элчини таклиф қилиб, ҳар бирлари катта тўйлар бердилар ва чопқир отларни зарнигор эгарлар, шаҳвор қимматбаҳо жомаларни камёб туҳфалар билан совға қилдилар. Элчи бирор дақиқани ҳам риоят ва иноят расм-русумларисиз ўтказмади. Улуғ амир Алоуддин Алика кўкалтош, амир Жалолуддин Фирузшоҳ ва дастури аъзам Хожа Ғиёсуддин Пир Аҳмад элчини ўз висоқларига таклиф қилдилар ва зўр такаллуфлар билан катта тўйлар бериб, от, жома ва бошқа совғалар тақдим қилдилар.

Элчи аъло тахт поясига етишган вақтида амирлар воситачилигида: “Султон Чақмоқ уфқлар султонининг кутубхонасидан бешта китобни илтимос қилади ва умидворлик ила онҳазрат иноят кўрсатиб Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилоти аҳли суннат”, Имом Фахруддиннинг “Тафсири кабир” ва “Шарҳи Талхиси Жоме”, мавлоно Алоуддин Паҳлавоннинг “Шарҳи Кашшоф”, китобларини совға қилсалар”, – деб арзга етказади.

Он ҳазрат элчининг илтимосига ижобат қилди ва бу китобларнинг барчаси мавжудлигига қарамай, ҳаммасини китобат қилишга буюрди. Китоблар жилд ва жадваллар билан муҳайё бўлди.

Ҳазрат хоқони саид катта бир тўй ташкил қилишга ишорат қилди ҳамда элчи ва унинг ҳокимига атаб инъом ва совғалар тайинлади. Улуғ амирлар ва номдор сардорлар ер юзи подшоҳининг ҳумоюн мажлисини ташкил қилиш ва безатишга киришдилар ҳамда султонлар паноҳи бўлган даргоҳда бир байрам мажлисини безатдилар. Осмон ёмон кўзни дафъ қилиш учун унинг тепасида гир айланар ва жаҳонни кўрган сипеҳр минглаб кўзларини тикиб унинг тамошосидан ҳайрон ва саргардон эди. Улуғ амирлар ражаб ойининг ўн саккизинчисида (1439 йил 25 декабрь) элчини ҳумоюн мажлисга ҳозир қилдилар. Онҳазрат унинг борасида турли-туман инъомлар ва хилма-хил иззат-икромлар кўрсатиб, беш минг динор нақд пул инъом қилди. Хос совғалар, мукаммал ясатилган отлар

берди. Унинг элликта навкарининг ҳар бирига биттадан от, жома ва минг динордан нақд пул улашдилар. Сўнгра ижозат берилгач, элчи Миср мамлакати томон жўнади.

Элчи қайтишга ижозат олиш вақтида: “Султон Чақмоқ бу бандага: “Ҳазратнинг бандалари рухсати билан тўртта шаҳарни кўриб, уларнинг аҳвол ва авзоини маълум қилиб, менга сўзлаб берасан”, – деб буюрган. У шаҳарлар Шероз, Исфаҳон, Язд ва Кошондир” деб арз қилган эди. Ҳазрат хоқони саид унинг илтимосини қабул қилиб, ўша тўрт шаҳарни тўла тартибга солсинлар, шаҳарларни безатсинлар, деб буюрди. Элчига у шаҳарлардан тўрт минг динор купакий инъом буюрдилар. Онҳазратнинг муқарриби, хос кишилар орасида камоли эътиборга эгалиги билан ифтихорли, мулк ва молга тегишли ишларда сўзи батамом таъсирли бўлган мавлоно Ҳисомуддин Муборакшоҳ парвоначини ҳазрат хилофат элчиликка тайин қилди ҳамда Миср султони учун подшоҳона туҳфалар, хусравона ҳадялар ва у сўраттиргани бешта китобни мазкур мавлавий орқали жўнатди. Фирот суви каноригача бўлган вилоятларнинг ҳокимлари номи офтобдек таъсирли ҳукмлар билан шарафланди. Элчилар керак яроқларни ҳозирлаб, ишларини саранжомлаб, фармонга мувофиқ Миср ва Шом мамлакатлари сари равон бўлдилар” [1: 84-88].

Ушбу маълумотлар масофа узоқлиги ҳамда бошқа баъзи тўсиқларга қарамасдан Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлати ва Миср ўртасида дўстона дипломатик алоқалар ўрнатилиб, ҳар икки тарафдан элчилар бориб-келиб турганидан дарак бермоқда. Сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтиришга ҳар икки давлатда катта эҳтиёж бўлган. Шоҳрух Мирзо даврида Миср билан алоқаларнинг юқори даражага кўтарилишида Темурийлар давлати дипломатияси ва Яқин Шарққа қаратилган ташқи сиёсатининг улкан ютуқлари кўзга ташланади. Бу ижтимоий жараёнлар бугун ҳам муҳим аҳамиятга эга ва муваффақият билан давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн мажмаи баҳрайн. Иккинчи жилд, иккинчи ва учинчи қисмлар. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев. Тошкент, 2008.

2. Исҳоқов М., Жумаев Ғ. “Ҳабиб ус-сияр” ва “Матла ус-саъдайн” асарларида дипломатик ва элчилик муносабатларининг акс эттириши / Sharqshunoslik, 2022, № 1. Б.121–133.
3. Муҳаммад ибн Ховандшоҳ ибн Маҳмуд Мирхонд. Равзат ас-сафо. Жилди шашум. Теҳрон, ҳижрий-шамсий 1380.
4. Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад ал-Хавофий. Мужмали Фасиҳий (Фасиҳ тўплами) / Таржима, кириш, изоҳлар ва кўрсаткичлар Д.Ю.Юсупованики. Тошкент, 2018.
5. Ўзбек дипломатияси тарихидан (тарихий очерклар ва лавҳалар). М.М.Хайруллаев таҳрири остида. Тошкент, 2003.

Э. Миркомилов

Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари

Амир Темур тарихига оид асарларда бўлганидек, кўпгина Темурийлар даври тарихига доир солномаларда Темурий ҳукмдорлар саройларидан хориж ҳукмдорлар даргоҳларига дипломатик ташрифлар, элчилик алоқаларини адо этган ўз даврининг етук дипломатлари ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Темурийлар давлатига Мўғулистон, Тибет, Хитой, Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Кичик Осиё, Кавказ, Волгабўйи, Урал ўлкаларидан савдо карвонлари ва элчилар келган. Маълумки, Мирзо Шоҳрух ҳам ўз ҳукмдорлиги даврида халқаро муносабатларни ривожлантириш сиёсатига ҳам катта эътибор берган. Мақолада Абдураззоқ Самарқандий қаламига мансуб бўлган “Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида келтирилган Темурий Шоҳрух Мирзо ва Миср давлати билан бўлган элчилик муносабатлари ҳақидаги маълумотлар жамланган. Асар А. Ўринбаев томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр бўлган. Иқтибослар шу таржимадан фойдаланган ҳолда келтирилди.

Калит сўзлар: *Шоҳрух, Фасиҳий, алоқа, Миср, элчи, элчилик, асар, Абдураззоқ, Самарқандий, Алоуддин, Ҳирот.*

Э. Миркамилов

Дипломатические отношения государства Тимуридов с Египтом при Шахрух Мирзе

Как и в трудах по истории Амира Темура, многие хроники по истории эпохи Тимуридов содержат много сведений о дипломатических визитах из дворцов тимуридских правителей в резиденции иностранных правителей, и дипломатах своего времени, выполнявших дипломатические отношения. В государство Тимуридов прибывали торговые караваны и послы из Монголии, Тибета, Китая, Индии, Аравии, Египта, Малой Азии, Кавказа, Поволжья, Урала. Известно, что Мирза Шахрух в годы своего правления также уделял большое внимание политике развития международных отношений. В статье обобщены сведения о тимуриде Шахрух Мирзе и дипломатических отношениях с египетским государством, которые приведены в произведении Абдураззака Самарканди «Матлаи садайн ва маджмаи бахрейн». Он был переведен с персидского на узбекский и опубликован А.Уринбаевым. Цитаты даны с использованием этого перевода.

Ключевые слова: *Шахрух, Фасихи, общение, Египет, посол, посольство, трактат, Абдураззак, Самарканди, Алауддин, Герат.*

E. Mirkamilov

Diplomatic relations of the Timurid state with Egypt under Shahrukh Mirza

As in the works on the history of Amir Temur, many chronicles on the history of the Timurid era contain a lot of information about diplomatic visits from the palaces of the Timurid rulers to the residences of foreign rulers, and about mature diplomats of their time who carried out diplomatic relations.

It is known that during the years of his reign, Mirza Shahrukh also paid great attention to the policy of developing international relations. The article summarizes information about the Timurid Shahrukh Mirza and diplomatic relations with the Egyptian state, which are given in the work of Abdurazzok Samarkandi "Matlai Sadain wa Majmai Bahrain".

It was translated from Persian into Uzbek and published by A. Urinbaev. Quotations are given using this translation.

Key words: *Shahrukh, Fasihi, communication, Egypt, ambassador, embassy, treatise, Abdurazzak, Samarkandi, Alauddin, Herat.*

Ф. Разаков

Англо-турецкое сотрудничество по противодействию экспансии России в Кокандском ханстве и в Восточном Туркестане (1860–1878гг.)

Поражение Царской России в Крымской войне 1853–1856 гг. привело к необходимости переключить центр тяжести внешней политики Российской империи с Балкан и Ближнего Востока на Средний и Дальний Восток, и в первую очередь, в Центральную Азию [7: 82]. Но регион Центральной Азии также имел большое значение для политики Англии и Османской Империи. Россия, расширявшая своё геополитическое пространство на юг во второй половине XIX в., вызывала тревогу и опасения у правительств Англии, и Турции.

Для Османской империи отношения с Кокандом развивались в довольно-таки сложных условиях, во время военных действий России в регионе. Ферганскую долину раздирали различные мятежи и межэтнические конфликты. К тому же, шла борьба за ханский престол. Положение Худаяр-хана (1835–1886; годы правления 1845–1858, 1862–1863, 1865–1875.) было шатким, а период его правления был прерывистым. Соперник Худаяра, его же родной брат, Малла-хан (1812–1862; годы правления 1858–1862) при поддержке киргизов и кыпчаков занял престол Кокандского ханства. Хан проводил активную внешнюю политику. В 1860–1861 гг., после ура-тепинского похода, Малла-хан принял английских, кабульских и других иностранных послов, прибывших с ценными подарками и ожидавших хана в его столице. Эти сведения автора «Тарих-и джахан-нама» («История, освещающая мир») полностью подтверждаются данными русских источников. Купец Фаттах Хидиров, татарин, побывавший в Коканде, сообщал: «К хану прибывают английские и кабульские послы, о целях

Бизнинг авторлар

1. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, ЎзРФА вице-президенти
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусратович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.
6. **Каримов Шерзод Шавкат ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – тарих фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – тарих фанлар номзоди, Самарқанд Давлат университети тарих факултети тарихшунослик ва манбашунослик кафедрасининг доценти
10. **Разаков Фаррух Абдумўминович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

11. **Разакова Мавжуда Саттаровна –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, картотека бўлими мудири.
12. **Таниева Гулдона Мамановна** – тарих фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.
13. **Тошев Солижон Аҳмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшқабулович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

Наши авторы

1. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан, вице-президент АН РУз.
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусротович** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – доктор философсик наук (PhD) по истории, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримов Шерзод Шавкат угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института Истории Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – кандидат исторических наук, доцент кафедры историографии и источниковедения исторического факультета Самаркандского государственного университета.

10. **Разаков Фаррух Абдумумнович –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Разакова Мавжуда Саттаровна** – кандидат исторических наук, заведущий отделом картотеки Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистана.
12. **Таниева Гулдана Мамановна** – доктор исторических наук, доцент Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.
13. **Тошев Соледжон Ахмаджонович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшкабулович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bakhrom A. Abdukhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, Director of the Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, vice-present UzAS.
2. **Dilora N. Radjabova** – Candidate of Historical Sciences, Associate Professor of the Department of the Historiography and Source Studies, history faculty Samarkand state university
3. **Farrux A. Razakov** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Farrux E. Fayzullayev**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Faxriddin N. Ibragimov** – Senior scientific researcher of Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
6. **Guldona M. Taniyeva** – DSc, dotsent of the Tashkent Pedagogical University name after Nizami.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mavjuda S. Razakova** – Candidate of Historical Sciences, Head the filing department, institute of oriental Abu Rayhan al-Biruni Academician of the Academy of Sciences of the Respublik of Usbekistan.
9. **Nargiza A. Ismatova**– Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD), Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
10. **Natalya E. Karimova** – Doctor of Science (in History), Professor, head of the department of Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
11. **Oksana G. Pugovkina** – Senior Research Fellow, Institute of History Academy of Sciences of Uzbekistan.

12. **Sherzod Sh. Karimov**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Shoira M**. **Akramova** – Junior Researcher of Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
14. **Solejon A. Toshev** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.